

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИДА ЛОЙИҲАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Оришев Жамшид Баҳодирович

*ЖДПУ, Технологик таълим ва тасвирий санъат фанлари кафедраси
катта ўқитувчиси, Жиззах ш., Ўзбекистон
e-mail:jamshid@jdpu.uz*

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўқув машғулоти лойиҳалаш асосида таълимни амалга оширишда қўллаш бўйича таълим технологияси тўғрисида мулоҳазалар баён этилган.*

***Таянч сўзлар:** таълим жараёни, лойиҳа, лойиҳалаш босқичлари, таълим технологияси.*

***Аннотация.** В статье излагается организация учебного процесса с применением технологии проектного обучения.*

***Ключевые слов:** процесс образования, проект, этапы проектирования, виды проектирования, технология образования.*

***Annotation.** In the article there is a reflection give an account of project education technology support to organize ted the lessons.*

***Keywords:** education process, proect stages, types of projects, educational processe.*

Таълим соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамадан, таълим сифат самарадорлиги ривожланиши динамикасини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари ҳамда интерфаол технологиялари, хусусан, лойиҳали таълимнинг ноъанавий методлари муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ҳам таълим жараёнида юқори даражадаги самарадорликка эришиш - бу таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш ҳисобланади.

Илмий - услубий манбаларда лойиҳали таълим технологиясини тўлиқ очиб берилишида қуйидагиларга таяниш кераклиги қайд этилган:

- лойиҳалаш асослари, аҳамияти ва мазмуни;
- лойиҳалаш тамойиллари, меъёрлари ҳамда қоидалари;
- лойиҳалаш мақсади ва вазифалари, ундан кутилаётган натижа;

- лойиҳалаш иштирокчилари, уларнинг вазифалари ҳамда ўзаро ҳамкорлиги;
- лойиҳалаш таркиби, унинг мантиқий тузилиши, босқичлари;
- лойиҳалаш технологияси, услуби, воситалари;
- лойиҳалаш фаолиятини ташкил этиш шакли;
- лойиҳалаш учун зарур бўлган восита ва ресурслар;
- лойиҳалаш фаолияти шартлари;
- лойиҳалаш субъектларига талаблар, уларни тайёрлаш [1].

Республикамик узлуксиз таълим тизимида олий таълим муассасаларининг ўрни алоҳида ва ўта масъулиятлидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда олий таълим муассасасиларидаги ўқув тарбия жараёнини такомиллаштириш, таълим жараёнини инновацион шароитларда ташкил этиш ва олиб бориш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда лойиҳалаш технологиялари асосида дарсларни ташкил этиш самарали эканлиги олиб бораётган илмий – тадқиқот ишларимиз ўз аксини кўрсатмоқда [3,4]. Дарс машғулотларини ўтказишни лойиҳалашда қуйидаги босқичларда олиб борилиши ўзининг ижобий самараларини берди:


- Изланиш – танлаш босқичи;
- Конструкторлик босқичи;
- Таълимий конструкторлик босқичи;
- Технологик босқич;
- Дидактик технологик босқич;
- Лойиҳани жорий этиш босқичи;
- Якунловчи босқич.

Дарс жараёнини лойиҳалашнинг ҳар бир босқичини амалга ошириш учун ўзига хос талаблар қўйилади. Жумладан, таълим мақсадларини тўғри белгилаб олиш; қаралаётган таълим жараёнининг кутилаётган натижасини лойиҳалаштириш; қаралаётган таълим жараёнига оид маълумотлар ва улар асосидаги ахборотлар тайёрлай олиш ҳамда уларни таълим мақсад – вазифаларига мос тизимларга ажратиш; ўқитиш жараёнида замонавий таълим технологиясининг асосий ташкил этувчилари орасидаги ўзаро боғланиш қонуниятларига доимо эътиборда бўлиш ва бошқалар бу технологиянинг самарали амалга ошириш гаровидир.

Лойиҳалаш босқичларини амалга ошириш давомида лойиҳа мавзуси, мақсади ва вазифалари, ундан кутилаётган натижа аниқ белгиланади; талабалар сони танланади: талабаларнинг яқка холдаги ёки кичик гуруҳлари

шакллантирилади, уларнинг вазифалари ҳамда ўзаро ҳамкорликда ўқитиш жараёни амалга оширилади; лойиҳалаш фаолиятини ташкил этиш шакли режалаштирилади; зарур бўлган ўқув воситалари ва ресурслари тайёрланади; лойиҳалаш субъектларига талаблар ишлаб чиқилиб, шу асосда дарс ўтказилиши амалга оширилади.

Дарсларни лойиҳалашда *лойиҳани жорий этиш босқичи* муҳим саналанади. Чунки бу босқичда хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Лойиҳа тақдимотини шартли равишда қуйидаги шаклдагидек ифодалаш мумкин: (шакл)



Шакл . Лойиҳани жорий этиш

Бу лойиҳалашнинг асосий, яъни дарс мавзуси юзасидан тайёрланган маҳсулот (ахборот, маълумот,) ни намойиш этиш босқичи саналади.

Бунда лойиҳалаш бўйича олинган ечимлар ўқитувчи ва талабалар ўртасида таҳлил қилинади, сўнгра тақдим этилади. Лойиҳани тақдимотини

Ўтказишда турли педагогик усуллардан, жумладан, “Ақлий хужум”, “Кластер”, “Блиц –сўров”, “БББ” каби усулларидан мавзуни ўрганишга кераклиси танланади; дарс олиб боришда ўқув воситаси сифатида видео-аудио техникалар ва компьютерлар қўлланилади, кичик хажмли жиҳозларда амалий топшириқлар бажарилади. Дарсдан кутилган натижанинг сифат даражаси талабалардан тест-сўров, ёзма иш, оғзаки сўров ўтказиш каби назорат усулларидан фойдаланиб белгиланади. Юқоридагилар асосида талабаларга мавзу юзасидан етарли даражадаги маълумотлар берилади. Бунда ахборот коммуникацион технологиялари асосий техник восита ҳисобланади. Чунки улардан фойдаланиш катта хажмдаги маълумотларни қисқа фурсатда талабаларга етказиш имкониятини беради.

Агар лойиҳа тақдимотидан сўнг талабаларнинг билим, кўникма ва малака даражаси ($T_{БKM}$) давлат таълим стандартида белгиланган билим, кўникма ва малака ($ДТС_{БKM}$) даражасида ёки ундан юқори бўлса ($ДТС_{БKM} \leq T_{БKM}$), кейинги мавзуларни ўрганишга ўтилади, акс холда лойиҳа тақдими бошқа усул ва технологиялар асосида ўтказилади.

Юқорида келтириб ўтилган технология асосида Олий таълим муассасаларининг Технологик таълим йўналишидаги Материалшунослик фани мавзуларини ўқитишда фойдаланилди ва қуйидаги ижобий натижаларга эришилди:

-талабалар материалшуносликка оид асосий тушунчаларини етарли даражада ўзлаштирди;

-дарс жараёнини лойиҳалаш асосида ташкил этилиши талабаларни фан мавзулари юзасидан чуқурроқ ва кенгроқ билимлар олишига эришилди;

-талабаларнинг фанни ўзлаштиришдаги сифатий даражалари анъанавий усулларга қараганда ошганлиги кузатилди;

-дарсда рақамли технологияларидан унумли фойдаланиш бошқа фан мавзулари билан узвий алоқадорликни таъминлади;

-аудиторияларда Wi-Fi тизими мавжудлиги дарс машғулотида ИНТЕРНЕТ тармоғи билан боғланиш имкониятини берди, бу эса талабаларга глобал маълумотларни тақдим этишга шароит яратди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Кралья Н.А. Метод учебных проектов как средство активизации учебной деятельности учащихся. Учебно – методическое пособие. Россия. Омск. 2005. 42 с.

2.Беспалько В.П. Проектирование учебного предмета решение // Школьные технологии. 2006. - №6 С.76-88

3.Тўрақулов Х. А. Оришев Ж.Б. Лойиҳали таълим – таълим самарадорлиги гарови // Таълим тизимида ижтимоий - гуманитар фанлар. Илмий – услубий журнал. Тошкент, № 3-4 , 2011 й. Б. 38-41

4.Оришев Ж.Б. Ўқув фанлари блоклари алоқадорлигини таъминлаш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили // Касб–хунар таълими. Илмий–услубий журнал. Тошкент, № 2 2012 й. Б. 8-9.

5.Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш Автореферат дис. ... пед. фан. докт. Тошкент. 2015 79 б.

6.Х.То'рақулов, J. Orishev рақамли технологияларнинг таълим жараёнини ташкил этишдаги имкониятлари // SAI. 2022. №В8.

7.Orishev, J. (2021). Инновацион таълим технологиясида лойиҳалаш методининг имкониятлари . *Физико-технологического образование*, 4(4)

8.Jamshid Orishev, Технология дарсларида лойиҳали таълимдан фойдаланишнинг аҳамияти , *Физико-технологического образование*: № 3 (2021)

9.Orishev, Jamshid (2021) "Project for training professional skills for future teachers of technological education," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.